



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

ЖАМИЯТ

№ 01
(922)
2025 йил
9 январь,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета



«АТРОФ-МУХИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ!»

Давлатмиз рахбари ташаббуси билан янги йилга “Атроф-мухитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” деб ном берилди. Бу қарор ҳар бир мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, юзага келган экологик муаммоларни халқилиш орқали иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган бир неча муҳим омилга асосланган.

ЭКОЛОГИЯ

Дунё бўйлаб атроф-мухитга салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатлар кўпаймоқда. Жумладан, Ўзбекистон ҳам иқлим ўзгариши, ҳаво ва сув ифлосланиши каби жиддий экологик муаммоларга дуч келмоқда. Атроф-мухит масаласини асосий кун тартибида олиб чиқиши давлатимизга айни масаларни бартараф килиш имконини берди, жамоатчиликда эса табиатга ётиборни кучайтиради.

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ

“Яшил” иқтисодиёт – ресурслардан самарали фойдаланиш, энергия манбаларини янгилаш, чиқиндини камайтириш ва табиий ресурсларни сақлаб қолиш асосига курилган иқтисодий модел. 2025 йил мазкур ўйналиш мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини таъминлашда алоҳида аҳамият каб этади.

ХАЛҚАРО БУРЧ

Ўзбекистон БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида халқаро мажбуриятларни изчил бажараётган давлатлардан бири. Атроф-мухитни асраш ва яшил иқтисодиётга ўтиш республикализма залози ҳамжамият билан яқин алоқалар ўрнатишга ёрдам беради.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Яшил иқтисодиётга ўтища инновацияларни кўллаш жуда муҳим. Келаётган йил илм-фан ва технологияни ривожлантириш устувор вазифага айланади, янги энергия манбаларини яратиш, мавжуд ресурсларни янгича услубда ишлатиши рабатлантириш йўлга қўйилади.

ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИ

Атроф-мухитни асрашда ҳар бир фуқаронинг ўрни бор. 2025-йил жамоатчилик фаоллигини ошириш мақсадида турли тадбирлар ўтказилади. Экологик тадбиркорликни рабатлантириш, атроф-мухит ҳакида хабардорликни ошириш, ёш авлодга экологик тарбия бериш диккат марказида бўлади. Йил давомида атроф-мухит муҳофазаси йўлида амалга ошириладиган чоратадбирлар замирида келгуси авлодлар учун мунособ ҳаёт шароити яратишдек эзгу мақсад мужассам.

БҮЮК МУВОЗАНАТ

ёхуд тараққиёт фалсафаси ҳақида муроҳазалар

Дунё асли мувозанат асосига қурилган. Шукр билан сабрнинг, хижрон билан висолнинг, захмат билан роҳатнинг ёнма-ён туриши ўша ҳаёт мувозанатини таъминлайди. Тараққиёт ва фаровонлик ортида нафс гирдобида талвасага тушаётган инсон қиёфаси гавдаланади. Нафс барча ёмонликларнинг доясидир. Нафснинг жиловланиши Аллоҳнинг раҳматига, унинг акси эса аянчли оқибатларга сабаб бўлади. Бу ерда ҳам ўша БҮЮК МУВОЗАНАТНИ кўрасиз ва Аллоҳ яратигининг мукаммаллигига яна бир бор иймон келтирасиз.

“Абадий двигатель”нинг имконсизлиги тамоили...

“Абадий двигатель” (repetuum mobile) орзуси табиий ва техник фан соҳибларининг табиий мувозанатга қарши хомхәёлидир. Агар ҳаётимизни буюк мувозанат бошкармаганида эди, абадий двигатель, эҳтимол, ихтиро килинган ва у бутунги ҳаётимизни бутунлай ўзгартириб юборган бўларди. Абадий двигательнинг ихтиро қилинишига аксарият кишилар инсоният мушкулининг осон бўлишига сабаб бўлувчи омил сифатида ижобий қарашади. Аслида ҳам шундайми? Ушбу курилманинг ихтиро қилиниши инсониятнинг мушкулини осонлаштиармиди? Умуман, абадий двигателнинг ихтиро қилинишини ва унинг оқибатларини инсоният тўлалигича тасаввур қилишга қодирми?

Мутафаккир шоиримиз Эркин Воҳидов “абадият” тушунчаси ҳақида шундай дейди:

Мангулик дер одам насли,
Лек инсоний тафаккур –
Абадият надир асли
Кила олмас тасаввур.

“Абадий двигатель”нинг имконсизлигига буюк ихтирочи, мутафаккир Леонардо да Винчи ҳам ўз даврида муносабатини билдириб ўтган: “Мен тўхтовсиз ҳаракатнинг ҳамда абадий филдиракнинг мавжуд бўла олишининг имконсиз эканлиги ҳакидаги хulosага келдим. Абадий двигатель конструкцияси – абадий ҳаракат манбанинг қидириш ишини, одамнинг энг катта адасишиларидан бири деб аташ мумкин. Асрлар давомида кимки гидравлика, ҳарбий машиналар ва шунга ўхшашлар билан ишлашга тўғри келган бўлса,

абадий двигателни ясаш учун кўп вақт ва маблағ сарфлашди. Лекин уларнинг барчаси билан, олтин кидирувчилар (алкимёргарлар) билан юз берган нарса содир бўлди: ҳар сафар муваффакиятга тўқсинглик киладиган қандайдир майди-чуйда топиларди...”

Ижтимоий тараққиётнинг ноқисликлари...

Инсоният пайдо бўлганидан бўён тинимиз тараққиёт боскичини бошидан кечирмоқда. Бу тушунча ҳам жамият, ҳам табиат ҳодисаларига бирдек тааллукли. Аммо табиат тараққиёти ўз табиий йўсимида давом этса, жамият тараққиёти анча шиддатли ва унда инсон омили ҳал килувчи аҳамиятга эга. Тараққиёт натижасида инсоният ўзига кулайликлар яратади, меҳнатининг самарадорлигини оширади, кўпроқ натижаларга эришади, фаровонлиги ортади... Аммо, аксар ҳолларда, тараққиёт табиат қонунларига карши ишлайди ва бунинг натижасида инсоният топганидан кўпроқ миқдорда йўқотмоқда ҳам. Аслида, инсон табиий мавжудот ва табиий шарт-шароит унга сув ва ҳаводек зарур. Тараққиёт туфайли эса табиий мувозанатга путур ет-



моқда. Тараққиёт маҳсули бўлган барча кулайликлар эса инсонни борган сари табиатдан узоклаштироқда. Ўзаро инсоний муносабатлар, алоқалар, интилишлар, мақсад сари курашлар, йўлдаги тўсиклар ва уни енгиг ўтиш борасидаги очимлар – ҳамма-ҳаммаси, пировардида, инсониятнинг зарарига ишлайди. Биз тобора ҳалокат сари ошиқаётган “акли мавжудот”лармиз. Ақлимининг ўта чегаралангандиги оқибатидан тараққиётнинг табиий равищда содир бўладиган оқибатларини ҳам тўлақонли тасаввур кила олмаймиз. Қачондир инсоният бу оқибатларнинг мудҳиш интиҳосига дуч келади, аммо унда кеч бўлади...

Ўйлаймизки, инсоният учун бундан ўзга ўйл йўқ. Аслида муқобил тараққиёт йўли ҳам мавжуд. Бу илоҳиётни ўрганиш ва Аллоҳни тан олиш йўлидир. Бу йўлда мувозанатлар дахлсиз ва мудҳиш оқибатлар кузатилмайди. Аммо бу мавзу алоҳида муроҳазалар талаб қилгани боис, бунга ҳам қачондир қайтиш умидида, хозирча шу билан чекланамиз.

(Давоми 5 ва 7-саҳифаларда)

Бугун мамлакатимизда ёшларга кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бу имкониятдан фойдаланиб, улар ўзларини барча соҳаларда алоҳида иқтидорга эга эканлигини намоён этмоқда. Жумладан, навқирон авлод вакиллари ер билан тиллашиб, даромад олишда ҳам жонбозлик кўрсатишмокда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғамхўрлиги туфайли ёшларга ер ажратилаётганлиги мазкур йўналишдаги ўзига хос янгилик бўлди, дейиш мумкин.

Жумладан, Президентимизнинг 2024 йил 5 апрелдаги «Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2024 йилда ёшларга 60 минг гектар ер майдонларини дехқон хўжаликларини ташкил этиш учун электрон онлайн-аукцион савдолари орқали устувор равиша ёшларга ижарага бериш кўзда тутилган. Мазкур хужжатга асосан, туман ҳокимликлари захирасидаги жами 60 минг гектар ер майдони электрон онлайн-аукцион савдоларига қўйилиб, дехқон хўжаликларини ташкил этиш учун устувор равиша ёшларга ижарага берилиши ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширишдан сотишгача бўлган занжирни қамраб олувчи янги тизим жорий этилди.

Хусусан, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги “Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ томонидан ҳудудларда белгиланган тартибида туманлар ҳокимларини захирасига олинган “E-ijara” АТ орқали келиб тушган жами 61 290 гектар ер майдонлари 161 619 та лотларда ер тузиш лойиҳалари ишлаб чиқилиб, “E-AUKSION” электрон аукцион савдоларига чиқарилди. Шунингдек, маҳалла еттилиги тавсиясига асосан дехқон хўжалиги ташкил этиш мақсадида 223785 нафар талабгор ёшлар тизимга киритилди. Бундан ташқари, дехқон хўжаликларини ташкил этиш учун ёшларга ажратилган 55,4 минг гектар майдонларда қишлоқ хўжалиги экинлари тўлиқ экилиб, ушбу майдонлардан 1,2 млн. тонна маҳсулотлар етиширишга эришилди ҳамда 2024 йилнинг январ-ноябр ойлари давомида жами 259,3 млн. долларлик 769,1 минг тонна сабзавот маҳсулотлари экспорти амалга оширилди.

Худудларда ёшларга ажратилган ер майдонларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлил қилинганда кўплаб маҳаллалардаги ёшларни мисол қилиб келтирсан бўлади. Жумладан: Тошкент вилояти, Пискент тумани, Чимқўрон МФЙда 10 гектар ер майдонлари дехқончилик билан шуғулланиш истагини билдириган 20 нафар ёшларга 50 сотихдан бўлиб берилган бўлиб, “Бир маҳалла-бир маҳсулот” тамойили асосида по-

мидор экини экилиб, юқори даромад олиб келинмоқда. Мисол учун: Пскент тумани, Янгиобод маҳалласида яшовчи фуқаро Азимжон Абдураҳимов 50 сотих ер майдонига дехқон хўжалиги ташкил этиб эртаки,

мидор экини экилиб, юқори даромад олиб келинмоқда.

Мисол учун: Пскент тумани, Янгиобод маҳалласида яшовчи фуқаро Азимжон Абдураҳимов 50 сотих ер майдонига дехқон хўжалиги ташкил этиб эртаки,

Жizzах вилояти, Шароф Рашидов тумани, Ёйилма МФЙда 20 гектар ер майдонлари дехқончилик билан шуғулланиш истагини билдириган 85 та фуқароларга ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига кўра 15-50 сотихдан бўлиб берилган бўлиб, “Бир маҳалла-бир маҳсулот” тамойили асосида помидор экинлари экилиб юқори даромад олиб келинмоқда. 1 гектаридан 100 млн сўмдан даромад олиб келинмоқда. Бу ҳар бир дехқон хўжаликларга ўртacha 20-25 млн сўмдан тўғри келади. Иккинчи экинга исмалоқ экилиб, ўртacha ҳар бир дехқон хўжаликлари 15

Термиз тумани, Истиқол маҳалласида яшовчи Панжи Шайманов 30 сотих ер майдонида дехқон хўжалиги ташкил этилган. Сув таъминоти оғир бўлганлиги сабабли Кенгаш томонидан 1 дона кичик ҳажмли артезиан қудук учун 9.5 млн сўм субсидия маблағлари ажратилган. Бу орқали полиз экинлари (тарвуз, қовун) экинларини плёнка остига экиб, эрта етишириш орқали ички бозорларга етказиб келмоқда. Полиз экинларидан бўшаган майдонларга тақорорий экинлар экиб 2 марта ҳосил олиш

ЕР БИЛАН «ГАПЛАШАЁТГАН» ЁШЛАР

ўртаки ва тўқсонности усулида сабзавот экинлари экиб йилига 3 маротаба ҳосил олиш орқали 50-60 млн сўм даромад олиб келинмоқда.

Пскент туманида Расул Газиковуга дехқон хўжалиги учун ажратилган 50 сотих ер майдонида полиз экинлари (тарвуз, қовун) экинларини плёнка остига экиб, эрта етишириш орқали ички бозорга етказиб келмоқда. Полиз экинларидан бўшаган майдонларга тақорорий экинлар экиб, 2 марта ҳосил олиш орқали йилига 40-50 млн сўм даромад топмоқда.

Фарғона вилояти, Қўштепа тумани, Пахтакор МФЙда дехқончилик билан шуғулланиш истагини билдириган 19 нафар ёшларга 25 сотихдан бўлиб берилган 4,8 гектар ер майдонларига “Бир маҳалла-бир маҳсулот” тамойили асосида серҳосил қовун экинлари экилиб, ўртacha 1 гектардан 85 млн сўмдан даромад олиниди. Бу ҳар бир дехқон хўжаликларга ўртacha 15-20 млн сўмдан тўғри келди. Иккинчи экинга сабзи экилиб, ўртacha ҳар бир дехқон хўжаликлари 11 млн сўмдан даромад олиб келинмоқда.



млн сўмдан даромад олиб келинмоқда. Мисол учун: Ш. Рашидов тумани, Халқабод маҳалласида яшовчи фуқаро Нормамат Туратов 50 сотих ер майдонига дехқон хўжалиги ташкил этиб эртаки, ўртаки ва тўқсонности усулида сабзавот экинлари экиб йилига 3 маротаба ҳосил олиш орқали 80-100 млн сўм даромад олиб келинмоқда. Бундан ташқари 5 сотихга плёнка остига эртапишар сабзавот ва кўкатлар етишириб 20 млн сўм даромад олимоқда.

Сурхондарё вилояти, Ангор тумани, “Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги ҳудудида” 30 гектар ер майдонлари дехқончилик билан шуғулланиш истагини билдириган 93 та фуқароларга ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига кўра 15-30 сотихдан бўлиб берилган бўлиб, ушбу майдонларга “Бир маҳалла-бир маҳсулот” тамойили асосида помидор экинлари экилиб юқори даромад олиб келинмоқда. 1 гектаридан 80-110 млн сўмдан даромад олиниди. Бу ҳар бир дехқон хўжаликларга ўртacha 20-30 млн сўмдан тўғри келади. Иккинчи экинга исмалоқ экилиб, ўртacha ҳар бир дехқон хўжаликлари 12-18 млн сўмдан даромад олиди.

орқали йилига 60-70 млн сўм даромад топмоқда.

Қашқадарё вилояти, Касби тумани, Фалаба МФЙда 10 гектар ер майдонлари дехқончилик билан шуғулланиш истагини билдириган 23 та фуқароларга ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига кўра 40 сотихдан бўлиб берилган. 10 гектар майдонга “Бир маҳалла-бир маҳсулот” тамойили асосида тарвуз, ошқовоқ, помидор, қовун экинлари экилиб юқори даромад олиб келинмоқда. 1 гектаридан 22-23 млн сўмдан даромад олиниди.

Бу ҳар бир дехқон хўжаликларга ўртacha 10-12 млн сўмдан тўғри келади.

Иккинчи экинга уруғлик макка

экилиб, ўртacha ҳар бир дехқон хўжаликлари 4-6 млн сўмдан даромад олиб келинмоқда.

Бу каби мисоллар жуда кўп. Энг муҳими, бундай хайрли ишлар кенг кулоч ёйиб, ёшларимизни меҳнатсеварликка, ер билан тиллашибга, шу орқали нафақат оиласи, балки маҳалла куйга ҳам наф келтиришга ундан олиниди. Ислоҳот инсон учун, деган ғоядан кўзланган асосий мақсад ҳам шу, аслида.

**Феруз АБЛАЯРОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги
директори ўринбосари**

Қуролли Кучларимиз бугунги кунда нафақат юртимиз тинчлиги ва осойишталигининг таянчи, балки ўзбек халқи ватанпарварлиги, бирлиги ва қудратининг ҳақиқий рамзига айланди.

Ҳарбий ватанпарварлик – инсоннинг ўз мамлакатидан фахрланиш туйғусини, унинг тақдирiga дахлдорлик хиссени, мустақил Ватанини ҳимоя қилиш ҳамда хавфсизлиги учун фуқаролик бурчи ва масъулиятини англаб етишидир.



ФАРЗАНДЛАРИМIZДА ВАТАНПАРВАРЛИК РУХИНИ КАМОЛ ТОПТИРА ОЛСАК

мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаган бўламиз

Ватанпарварлик – Ватанинг озодлиги ва ободлиги, унинг сарҳадлари дахлсизлиги, мустақиллигининг ҳимояси йўлида фидойилик кўрсатиб яшаш, халқининг орномуси, шон-шарафи, баҳту саодати учун куч-ғайрати, билим ва тажрибаси, бутун ҳаётини баҳш этишдек муқаддас ва олижаноб фаолиятни англатади.

Ҳарбий йўналишдаги ўқитувчи-ларнинг асосий вазифаси ҳам Ватани жон-жонидан севувчи, унинг равнақи ва озодлиги учун элим, юртим деб ёниб яшайдиган мард ўғлонлар, ўзбек ватанпарварларини тарбиялаб, вояга етказишидир. Бу тарбия, албатта, ахлоқий, эстетик, сиёсий ҳамда жисмоний турлар билан узвий боғлиқликда олиб борилиши керак. Тарбия турлари орасида ҳарбий-ватанпарварлик мухим ўрин эгаллайди.

Ўтган саккиз йилда миллий армиямизни ислоҳ қилиш, Қуролли Кучларнинг ташкилий тузилмасини ва дислокация тизимини такомиллаштириш, кўшинларни замонавий қурол-яроғ ва техника намуналари билан жихозлаш, ҳарбий хизматчи-ларнинг жанговар тайёргарлиги ва шайлиги, касбий маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ўтган даврда бўлинмаларнинг техник ва захира таъминоти тизими тубдан қайта кўриб чиқилди, аутсорсинг хизматлари ва ҳарбий кластерлар тизими жорий қилинди. Мудофаа саноати мажмуаси корхоналари фаол ривожлантирилмоқда, айрим турдаги қурол-яроғ ва техника турларини ишлаб чиқариш ва модернизация қилишни маҳаллийлаштириш бошланди. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳарбий хизматчилар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди. Амалга оширилган ишлар натижасида қўшинларнинг жанговар тайёргарлик самарадорлиги, ҳарбий хизматчиларнинг профессионаллиги, жанговар руҳи ва

психологик шайлиги сезиларли даражада ошди. Ҳарбий олий таълим муассасалари фаолиятида ҳарбий кадрларни илгор технологиялар асосида тайёрлаш бўйича янги тизим жорий қилинди. Бундан ташқари, ҳарбий соҳани рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Кўшинларни бошқаришнинг замонавий автоматлаштирилган тизимлари босқичма-босқич жорий этилмоқда, алоқа тизимлари тақомиллаштирилмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 15 ноябрдаги “Ўқувчи-ёшларни чақиравуга қадар бошлангич тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мухим аҳамият касб этади.

Мазкур ҳужжат ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига тинчлик ва тотувликни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш зарурлигини чукур сингдириш, барча йўналишларда билим ва кўнишкарларини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Чақириққа қадар бошлангич тайёргарлик машғулотлари, ҳарбий-ватанпарварлик ва оммавий мудофаа тадбирларида ўқувчи-ёшлар Қуролли Кучларимиз сафларидағи бўлажак хизматлари ва Ватанинг ҳимояси учун зарур бўлган билим, кўнишкарларни олиши керак. Улар бу машғулотлар ва тадбирлар давомида ҳарбий иш ва хизмат асосларида дастлабки маълумотларни олади. Қуролли Кучларимиз тарихи, бугунги кундаги фаолияти ва салоҳияти, қўшин турлари, уларнинг вазифалари, хизмат қилиш тартиблари каби зарур билимларни чукур ўрганади.

Тарихдан мълумки, кўп урушлар натижаси жанг қилаётган то-



жанговар хислатлар ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий йўналишларидан бири бўлган ҳарбий-техник тайёргарликда шакллантирилади. Бу ишларда ҳарбий-техник жиҳатдан юқори даражада тайёрланган чақирилувчи ёшларни тарбиялашда чақириққа қадар бошлангич тайёргарлик машғулотлари, “Ватанпарвар” ташкилоти кошидаги тўғраклар фаол бўлиши керак. Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг асосий йўналишларидан яна бири ёшларнинг жисмоний тарбияси хисобланади. Бу йўналиш ёшларда жисмоний чиниқиши, яъни уларнинг ҳарбий хизмат даврида ҳам, тинчлик вақтида ҳам катта жисмоний юкларни сабот билан енгиш қобилиятини тарбиялайди. Жисмоний жиҳатдан чиниқанлик бу нафақат соғлом танага эга бўлиш, балки доим Ватан ҳимоясига шайлик ҳамдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсалк, бизнинг асосий вазифамиз ёшларни ана шу жараёнга жалб қилиш, улар онгига Ўзбекистон келажаги айнан ёшлар қўлида эканини сингдириш, кундалик машғулотлар, турли тадбирлар давомида уларда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйгуларини уйготишидир.

**Алишер ИКРАМОВ,
Жамоат хавфсизлиги
университети доценти**



Президент Шавкат Мирзиёев Олий
Мажлис Сенатининг сайловдан кейинги
биринчи ялпи мажлисида нутқ сўзлаб,
ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга
тўлақонли мослашувини таъминлаш давлат
сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига
айланадиганини таъкидлади. Бу жараёнда
ижтимоий хизмат ва ёрдамларнинг қўламини
кенгайтириш катта аҳамият касбэтади.
Айниқса, ахолининг имконияти чекланган
қатлами учун бу хизматлар нафақат уларнинг
кундалик эҳтиёжларини қондиришга,
балки жамиятга интеграция қилишга
йўналтирилган муҳим омилдир.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясининг 1-моддасида Ўзбекистон ижтимоий давлат экани белгиланганлигини эътироф этишимиз лозим. Унда мамлакатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятларига таалукли нормалар З баробар кўпайган. Хусусан, ёлғиз кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ахолининг ижтимоий эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг хуқуқлари давлат ҳимоясида бўлиши Конституцияда белгилаб қўйилди.

Давлат раҳбарининг 2023 йил 1 июндан “Ахолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда Ижтимоий ҳимоя миллый агентлиги ташкил этилди. Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакатимизда нафақа олувчилар сони 2016 йилда 466 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2024 йилга келиб 2 миллиондан ошди.

Айтиш лозимки, ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизими самарали бўлиши учун, аввало, уларнинг хукукий муҳофазасини таъминлаш зарур. Президентимиз таъкидлаганидек, “Ижтимоий суғурта тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ногирон шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлайди ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради. Бу қонун жамиятнинг барча аъзолари учун teng имкониятлар яратишга йўналтирилган бўлиб, ногиронлиги бўлган шахслар учун ижтимоий суғурта орқали уларнинг ҳаёт тарзини яхшилашни мақсад қиласди.

Бундан ташқари, бугунги кунда имконияти чекланган болаларнинг аксарияти ижтимоий муҳитдан ажralган ҳолда таълим олмоқда. Президент таъкидлаганидек, имконияти чекланган болалар учун мактабларда тўсиқсиз муҳит ва замонавий таълим имкониятлари яратилиши зарур. Бу, айниқса, инклузив таълим тизимини риҷоҷлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Болаларнинг умумтаълим

МЕХРГА ЙЎҒРИЛГАН МУРУВВАТ



муассасаларига жалб қилиниши, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши ва тенгдошлари билан бирга таълим олиш имконини беради.

Инклузив таълим тизимини риҷоҷлантириш учун, албатта, маҳсус педагог ва психологлар билан ишлаш зарур. Ушбу йўналишда малакали мутахассислар тайёрлаш, уларнинг имконияти чекланган болаларга ёрдам бериш борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш давлат сиёсатининг муҳим қисмидир. Президентимиз томонидан таклиф этилган чора-тадбирлар ногиронлиги бўлган болалар учун тўсиқсиз таълим имкониятларини яратишга, уларнинг билим олиш жараёнига фаол жалб қилинишига ёрдам беради.

Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш учун ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш лозим. Бунда ижтимоий ходимлар томонидан маҳаллий даражада ногиронлар билан доимий иш олиб борилиши муҳим. Жамиятда ногиронлиги бўлган шахслар учун яратилган шароитлар уларнинг ижтимоий муҳитга мослашувида катта аҳамиятга эга. Шу сабабли, ҳар бир маҳаллада ижтимоий хизматларнинг тўлақонли ва самарали ишлашини таъминлаш ногиронларнинг ҳаёт тарзини яхшилашга хизмат қиласди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимояси нафақат маддий ёрдам, балки уларнинг хукуқ ва манбаатларини ҳимоя қилишни ҳам ўз ичига олади. Бу жараёнда давлат органлари, маҳаллий

ҳокимиятлар ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик жуда муҳим. Ногиронлар учун яратилган шароитлар, уларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш имкониятлари билан таъминланиши бу ҳамкорликнинг самарадорлигини белгилайди.

Айтиб ўтиш лозимки, яратилган имкониятлар ҳисобига 2024 йилда тадбиркорлар 40 минг ногиронлиги бўлган шахсларни ишга олди. Буни янада кенгайтириш мақсадида 2025 йил 1 январдан ногиронлиги бўлган ишчилар учун ижтимоий солик 1 фоиз этиб белгиланади.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтириш билан бирга, уларнинг меҳнат фаолиятида иштирокини таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун давлат томонидан ногиронларни ишга жойлаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур. Шунингдек, иш берувчиларга ногиронлар учун қулавай шароитлар яратишга кўмаклашувчи имтиёзлар ва субсидиялар жорий қилиниши мумкин. Бу ногиронларни иш билан таъминлашга ёрдам бериб, уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлайди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган чора-тадбирлар доирасида ногиронлиги бўлган шахслар учун маҳсус марказлар ташкил этиш масаласи ҳам кўтарилиган. Бу марказлар ногиронларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш, уларни меҳнат бозорига тайёрлаш, психологик ёрдам кўрсатиш каби йўналишларда иш олиб боради. Бу каби марказлар ногирон шахсларнинг жамиятда тўлақонли иштирокини таъминлашга ёрдам берувчи муҳим муассасалар хисобланади.

Ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизматларнинг самарали бўлиши учун, уларнинг эҳтиёжларини чукур ўрганиш ва аниқлаш муҳим. Бунинг учун маҳаллаларда ногиронлар билан ишлайдиган ижтимоий ходимлар фаолиятини кучайтириш, уларнинг малакасини

ошириш ва доимий равища қайта тайёрлаш курсларини ўтказиши керак. Ижтимоий хизматларнинг сифатли ва самарали бўлиши ногиронларнинг ҳаётини енгилаштириш ва уларнинг жамиятга қўшилишига ёрдам беради.

Шу ўринда эътироф этиш лозимки, ижтимоий ҳимояни маҳалла даражасида ташкил этиш, ижтимоий хизмат ва ёрдамларни комплекс ёндашув асосида кўрсатиш, ахолининг оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолишини олдини олиш, шунингдек, ижтимоий ҳимоянинг манзиллилиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида туман (шахар) ларда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг “Инсон” марказлари очилиб, 102 та ижтимоий хизмат маҳаллаларда йўлга қўйилди. Ижтимоий ходимлар уйма-уй юриб, 2024 йил реестрда бўлмаган яна 95 минг муҳтож одамга ёрдам кўрсатди. 51 минг одамга ногиронлик белгиланди, 26 минг нафари протез олди. Ётиб қолган 4 минг ёлғиз кекса аниқланиб, уларга уйининг ўзида парвариш ташкил этилди. Ногиронлиги бор 5 минг нафар бола боғча-мактабга жойлашди.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигига 2024 йил 13 декабрь куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ишлар натижадорлиги ва 2025 йил учун устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан бўлиб ўтган видеоселектор йигилишида 2025 йилдан маҳалладаги ижтимоий ходимлар ва хусусий сектор иштирокида камбағал оиласидаги ўзи ҳаракатлана олмайдиган одамларнинг 19 мингига уйида ва 4 мингига кундузги қатнов асосида қараб туриш йўлга қўйилиши белгиланди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятга тўлақонли мослашувини таъминлаш, уларнинг хукукий ҳимоясини кучайтириш ва ижтимоий хизматлар кўламини кенгайтириш бугунги кундаги муҳим вазифалардан биридир.

Инобат ҲАКИМОВА,
“Тараққиёт стратегияси”
маркази бош мутахассиси

(Боши 1-саҳифада)

Инсон МУКАММАЛ МУВОЗАНАТГА асосланган муносабатлар тизимини йўлга қўйишга қодир эмас. Тараққиётнинг комплекс равиша содир бўладиган ҳодиса эканлиги тобора ойдинлашиб бормоқда. Тараққиёт натижасида инсоният учун ижобий томонлар билан бирга салбий жиҳатлар ҳам ривожланиб бориши қайсириж жиҳатдан қонунийдир. Бу ерда ҳам ўша мувозанат қонунини кўрасиз. Хусусан, интернет тармоғининг кашф этилиши ахборот ва билимлар алмашинуви борасида қанчалик мухим аҳамиятга эга эканлиги ҳаммага кундек равшан. Аммо бугунги

билан англаш мумкин бўлган жиддий кураш авж олмоқда. Соҳа мутахассислари, хусусан, рус олими Д.Ловцовнинг фикрича, ахборот куроллари тушунчаси остида бирор ҳалқ, миллат менталитети, маданияти, маънавияти, дини, давлатнинг информацион ва ҳарбий тизимига салбий таъсир ўтказадиган маҳсус дезинформацион технологик воситаларнинг муайян тизими ётади. Аслида, ахборотга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши ижобий ҳолат. Аммо давлатларнинг сиёсий қарашларини нотўғри талқин қилувчи, турли экстремистик ва террористик ғояларни, инсониятга қарши курол кўтаришга ундовчи, ўз-ўзини ўлдиришга чакиравчи, наркотик

инсонлар эҳтиёжи тобора катталашиб, мазмун-моҳиятини йўқотиб, қиёфасизлик касб этиб бормоқда. Кеча бирламчи эҳтиёжларининг қондирилмаслигидан азият чеккан инсонлар бугун орзу-ҳавасларининг амалга ошмаслигидан озор чекмоқдалар. Шу тариқа давом этадиган бўлса, эртага инсоният тараққиётнинг интиҳоси ўта ортиқ даражадаги фаровонлик билан боғланиши ҳам эҳтимол.

Бу муаммоларнинг барчаси сизу-биз олқишлиб қарши олаётган тараққиётнинг, табиий ва ижтимоий мувозанатга дахл қилишнинг салбий оқибатларидир. Бу оқибатлар айсбергнинг сизу бизга кўриниб турган тепа қисми, холос...

қодир бўлмаган инсонларга ҳам яшаш, уларга ҳам насл қолдириш имконияти берилган. Касалманд инсонлардан худди шундай наслнинг пайдо бўлиши, уларнинг бир маконда бошқа (соғлом) инсонлар билан ижтимоий, жинсий, руҳий ва бошқа муносабатларга киришиши ер юзида касалманд, руҳан ва жисмонан носоғлом инсонлар сонининг ошиб боришига сабаб бўлмоқда. Шу маънода олиб қаралганд, малакали тиббий хизмат табиий танланишга қодир бўлмаган инсонларнинг фойдасига, аммо умуман олганда эса инсониятнинг зарарига ишламоқда.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда бутун жаҳонда 100 дан ор-


БУЮК МУВОЗАНАТ

ёхуд тараққиёт фалсафаси ҳақида мулоҳазалар

кунда авж олаётган диний экстремизм, терроризм, одам савдоси, наркомафия каби чегара билмас жиноятларнинг ҳам ривожланиши айнан интернет тармоғи билан боғлиқдир. Буни танганинг иккичи томони деб қабул қилиш жоиз. Ёки бугунги кунда ахборот тушунчалигиниң аҳамияти ошиди, қамрови кенгайди, мақсад-муддаоси эса уни ким ишлатишига боғлиқ равиша ўзгариб бормоқда. Ахборот энди бирор жараён, воқелик ёки ҳодиса ҳақида хабар бериш маъносидан четга чиқиб, инсонлар онги ва руҳига таъсир этишининг, жамиятда мавжуд қонун-қоидаларни ва бутун дунё ўтироф этган умуминсоний қадриятлар ва тушунчаларни маълум мақсад атрофида бирлашган айрим гурух ва жамоаларнинг манфаатларига хизмат қилувчи ўзига хос янги талқинларини юзага чиқаришнинг, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, диний ва бошқа бир қанча қарашларнинг тарғиботчисига айланиб бормоқдаки, бунинг натижасида, инсоният тараққиётининг айни палласида ахборотнинг омма онгига таъсири ва унинг салбий оқибатлари жамиятнинг жиддий муаммоларидан бирига айланиб улгурди. Энди ахборот аталмиш курол воситасида инсон онгига ҳужум қилиш натижасида унинг тафаккури ва интеллектини эгаллаш, ўз аудиториясини кенгайтириш билан құдратини ошириш орқали уларни қайсириж ғоя атрофида бирлашган кучларнинг мақсадларига хизмат қилдириш билан боғлиқ “уруш”нинг замонавий кўринишлари пайдо бўлди. Тараққиётнинг ҳозириги босқичига келиб, дунё ахборот бозорида муносаб ўрин эгаллашга эришиш учун моддий кўриниш ва шаклга эга бўлмаган, факат ақл билан кўриш ва тафаккур

моддалар ва одам савдоси билан боғлиқ мақсадларни кўзловчи, “оммавий маданият”ни тарғиб қилувчи ахборотлар йигиндиси ўзига хос таъсир этиш имкониятларига эгаки, бу “алдамчи жилвалар”га, кўп ҳолларда, ақлий ва маънавий жиҳатдан ҳали тўла шаклланиб улгурмаган ёшлар мафтун бўлиб қолмоқда. Ҳатто бундай ғаразли мақсадлар ўз табиати билан эзгуликка хизмат қилиши керак бўлган санъат асарлари (кино, анимациян фильмлар, музика, қўшиқ, рақс ва б.) замирига ҳам сингдириб юборилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий мувозанатга таъсир ўтказиш ҳамда онг ва тафаккур тараққиётининг имкониятларини ғаразли мақсадларга йўналтиришнинг оқибатларидир. Энди инсоният олдида ўзига хос “алдамчи жилвалари” билан ўзига ром этувчи: матн, товуш ёки тасвир ортида бир қарашда англаш мумкин бўлмаган, аммо айрим гурух ва жамоаларнинг ғаразли мақсадларини тарғиб этувчи пинхона “ахборот хуружлари”ни англаш, жамиятни бу каби салбий таъсирлардан иҳоталаш, хусусан, бу иллатнинг ёшлар онги ва дунёқарашига таъсирини камайтириш билан боғлиқ муаммолар кўндаланг турибди.

Тараққиёт натижасида ҳаёт тарозисида инсонларнинг фаровонлиги кўйилган палла оғирлашди. Фаровонликнинг ҳаддан ортиши тарозининг нариги палласини иллатлар билан тўлдириб юбормоқда. Энди оммавий маданият, ичкилиқбозлик, наркомания, фаҳш, бир жинсли никоҳ, зўравонлик каби кўплаб иллатлар фаровонликнинг мувозанатини таъминлашга “хизмат қилмоқда”. Жамият тараққиётининг бугунги босқичида аксарият инсонлар орзу-ҳаваслар қурбонига айланиб улгuriши. Аслида катта бўлмаган



Фан-техника “ютуқ”лари...

Яшашга қодир бўлмаган индивиднинг табиий равиша ўқолиб кетишини англатувчи “табиий танланиш” тушунчаси табиатнинг энг мухим қонуниятларидан биридир. Бу жамият маҳсул бўлган инсон онги билан қаралгандан қанчалик шафқатсиз бўлмасин, аммо яшашга қодир бўлмаган айни индивиднинг йўқолиши у мансуб турнинг сақланиб қолиши учун жуда мухим ҳисобланади. Табиий танланиш натижасида жисмонан ва айни пайтда руҳан энг кучли индивид яшаб қолиши имкониятига эга бўлади ва яшаб қолганларининг ҳам энг кучлиси насл қолдириш “хукуқи”ни кўлга киритади. Натижада, шу индивид мавжуд тур соғлом наслга эга бўлади.

Бугунги кун тиббиёти мисли кўрилмаган натижаларни кўлга киритди, бунинг натижасида инсониятнинг ўртача ёши узаяётгани ҳақида бонг урилмоқда. Аммо шу билан бирга илгари кузатилмаган касалликлар ҳам пайдо бўлмоқда, ер юзида касалманд инсонлар сони ошиб бормоқда. Чунки жамиятда малакали тиббий хизмат натижасида табиий танланишга

тиқ генетик модификацияланган ўсимликлар, ўнлаб ҳайвон ва парранда турлари парваришиланаяти. Ўз-ўзидан равшанки, уларнинг ҳаммаси инсон истеъмоли учун... Бундай маҳсулотлар ҳозирги кунда ҳар қадамда учрайди. Кейинги йилларда бозор расталарида кўп учраётган уруғи деярли йўқ, пўсти юпқа «америкача» тарвузлар, қип-қизил, пўсти юпқа ва силлик картошка, уруғини ажратиб олиб бўлмайдиган бодринг, помидор, булғор қалампири ҳам гени ўзгартирилган маҳсулотлар сирасига киради. Генетик ўзгартирилган гуруч ҳам истеъмолга кириб келаяти. Шунингдек, колбаса, сосиска каби маҳсулотларда гўшт ўрнини ирсий модификацияланган соя маҳсулоти эгаллаб улгурди. Парранда маҳсулотлари ҳам шундай. Шоколад ва бошқа ширинликлар, кетчуп ва майонез, ҳар хил ичимликлар, ярим тайёр шўрва ва лағмонлар, таомга қўшимча таъм берувчи зираворлар таркиби ҳам илм-фан тараққиётининг натижаси бўлган ГМОдан холи эмас. ГМО борган сари инсоният таомномасини шиддатли равища ишғол қилмоқда.

(Давоми 7-саҳифада)

XXI асрда инсоният эришаётган фан ва технологиядаги мисли кўрилмаган янги кашфиётлар ва ихтиrolар билан билан бир қаторда, башарият ўзини ҳам кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишга ва танишга катта қадам ташламоқда, деб айтсак муболага бўлмайди.

Бугун ривожланган ва ривожла-наётган мамлакатларда замонавий психология инсонларнинг руҳияти, хулқ-атвори ва ўзаро муносабатла-рини ўрганиш орқали ҳаёт ташвиш-ларига ва кундалик ҳаётда инсон-лар ўртасида учрайдиган муаммоли вазиятларга янада аникроқ ва теран фикр билан қараш имкониятини яратмоқда, деб айтиш учун асослар мавжуд.

Ҳаёт давом этар экан, инсонлар турли хил қарама-қаршиликлар, кутилмаган вазиятлар ва ечими то-пилиши қийин бўлган муаммолар билан бир қаторда, одатий кундалик тарзида ҳам жуда кичик бўлиб кўринса-да, доимий ҳаёт тарзига халақит бериши мумкин бўлган ҳо-латларга дуч келади. Бу табиий хол албатта. Чунки, бир инсонда ҳаёт бир текисда силлиқ кечиши ва давом этиши ҳеч ким томонидан ка-фолатланмаган. Шундай экан, бундай ҳолатларда инсоннинг ўзини тутиши ва атрофида юз бераётган ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келадиган ҳолатларга муно-сабат билдириши муҳим аҳамиятга эга. Муносабат билдириган тақдирда ҳам, албатта, биринчи навбатда ўзи-га ва атрофдагиларга зарар етказма-ган ҳолда, ўзини муносаб ифода эта-олиши зарур ҳисобланади.

Маълумки, биз инсонларда ақл-идрокдан ташқари, яшашимиз, бошқа инсонлар билан турли масалаларда муносабатларга кириши-шимиз ва қарор қабул қилишимизга бевосита таъсир кўрсатувчи таассу-ротлар ва ҳиссиётлар ҳам мувжуд-ки, турмуш ташвишлари давомида улар билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ. Аксинча, кўп ҳолларда ва энг ачинарлиси ўта муҳим бўл-ган қарорларни қабул қилишимизда ҳиссиётларга таянишимиз бир текисда давом этиши кутилаётган ҳаётимизни бутунлай издан чиқа-риши ёки бўлмаса йиллар давоми-да ўз меҳнатимиз орқали эришган обрў-эътиборимизни ёки биз учун қадрли бўлган инсонларимизни ўқотишимиз мумкин.

Шу боисдан ҳам, ҳозирги кунда Фарб давлатларида замонавий психологияни чуқурроқ ўрганишга ва турли тадқиқотлар ҳамда изланиш-лар олиб боришга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу тадқиқотлар ва изланишларнинг натижаларидан имкон қадар боҳабар бўлиш орқали ўзимизга ташқаридан назар солиши-ни ва турмуш йўлларида учрайди-ган инсонлар билан муносабатларда ва вазиятларга холис баҳо беришни ўргана олсак, қайсиdir маънода кўзлаган мақсадларимизга тезроқ ва осонроқ етишишимиз муқаррар.

Британиялик профессор, ама-лиётчи психиатр ва психолог Стив Питерс томонидан ақл-идрок ва ҳиссиётлар ўртасидаги боғлиқлик борасида олиб борилган тадқиқот-ларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, С.Питерс ўзининг “Шимпанзе парадокси. Мия менеж-менти” деган китобида бу масалани

«ШИМПАНЗЕ парадокси»

жуда содда тилда тушунтириб бе-ришга ҳаракат қилган.

Профессор китобхонларга тушу-нарли бўлиши учун инсон миясини шартли равишида қисмларга ажратиб кўрсатар экан, у ерда ақл ва идрок-ка таяниб иш кўрадиган “Инсон” ҳамда ҳиссиётлар ва таассуротларга асосланадиган “Шимпанзе” мавжуд деб таъкидлайди.

С.Питерс томонидан илгари су-рилган ушбу қараш бизга атро-фимизда содир бўлаётган воқеа-ходисаларга муносабатимизни кўр-сатиша қуляй йўрикнома бўлиб хизмат қилади. С. Питерс фикрига кўра, мияда “Инсон” ва “Шимпан-зе” туғилгандан бошлаб мавжуд бўлади ва улар бир-биридан алоҳида мустақил ҳолда ривожланади ҳамда инсоннинг бутун ҳаёти давомида унинг ҳаракатларига, хулқ атворига ва қабул қиладиган қарор-ларига қайсиdir камрок ҳолда ўз таъсирини ўт-казиб келади. Энг аҳамиятли нукта шундаки, биз “Шимпанзе” борлиги-ни инкор эта олмаймиз ва биз унинг табиатини ўзгартира олмаймиз. Бизнинг қўлимиздан келадигани имкон қадар уни бошқаришга ҳа-ракат қилишимиз лозим. Шу ўринда профессор бу ҳолатни янада осон-роқ тушунтириш учун буни “ити бор одамнинг ҳаракатларига яъни, итнинг эгаси ҳайвоннинг табиатига эмас, балки унинг бошқаларга зарар етказмаслиги учун уни бошқаришга масъуллигини” таъкидлайди.

Демак, атрофимизда содир бўла-ётган воқеа-ходисаларга муносабатни ифодалашда бизнинг ол-димизда ҳар доим иккита асосий маслаҳатчи “Инсон” ва “Шимпан-зе” туради. Қайси биридан маслаҳат олиш ва амал қилиш эса шу пайт-гача эришган ҳаётий тажрибамиз, турли соҳаларда олган билимлари-миз ва инсонлар билан олиб борган



муносабатларимиздаги кўнишка-ларга ҳам боғлиқ.

Бизнинг миямиздаги “Шимпан-зе” ҳиссиётларга асосланниб фикр-лайди ва шунга муносаби равишида хulosалар тақдим этади. “Инсон” эса аксинча мантиққа таянади ва фактлар ҳамда ҳақиқатларга асосланниб фикр юритади.

Афсуски, кўп ҳолларда мантиқан фикр юритиш ва фактларга асосланниб мулоҳаза қилиш имкониятини қўлдан бой берамиз. Табиатан гоҳида ҳиссиётларимиз устунлик қиладиган чоғлар учраб туради. Инсонларнинг ўзи хоҳламаган ҳа-ракатларни бажаришга мажбур бў-лиши ёки салбий ҳиссиётларни ўзи-дан кечириш ҳолатида “Шимпанзе” бу вазиятда устунлик қилаётгани таъкидланади. Ушбу ҳолатни янада аникроқ тасаввур қилиш учун куйидаги мисолни кўришимиз мумкин. Масалан, эрталаб ишга шошилиб чиққанингизда ҳовлидаги авто-турагоҳда кимдир автомашинагиз йўлини тўсиб қўйган бўлса, сизга дарҳол “Шимпанзе” ёрдам келади ва қуйидаги кўринишдаги хуло-саларни тақдим қилади: “Нега бу одам бундай қилди?”, “Нега мен унинг бу ҳаракати учун ишга кеч қолишим керак?”, “Мен унинг ал-батта таъзирини беришим керак” ва бошқалар. Бу вазиятда “Инсон” куйидаги хulosalarни тақдим этади: “Балки қандайдир фавқулодда ҳолат бўлиб шошилгандир,” “Эҳти-мол шу яқин атрофда бўлса керак,” “Балки автомашинасида телефон рақамини қолдиргандир” ва бошқалар. Гувоҳи бўлганимиздай, битта вазиятга бир-биридан мутлоқо фарқ қилувчи икки хил муносабат акс этган. “Шимпанзе” кўпроқ деструктив муносабат тарафдо-ри бўлса, “Инсон” эса кўпроқ конструктив фикр билдирумокда.

Қандай қилиб ёки қайси усуслар ёрдамида “Шимпанзе”ни жиловла-шимиз ва ҳар доим ақл ва мантиқа таяниб, соғлиғимиз ва асаблари-мизни асраган ҳолда, бир текис

ҳаёт кечиришимиз мумкин деган табиий савол туғилади. С. Питерс ўз назариясида бу саволга ҳам жа-воб топишга ҳаракат қилади. Ҳис-лар устунлик қилувчи “Шимпанзе” фақатгина яшаб колишга интилса, “Инсон” ўз мақсадларига эришиш йўлида ҳаракат қилади. Шимпанзе ўз номи билан ҳайвон бўлгани учун ҳам инсондан жисмоний жиҳатдан кучли ва у билан тортишиш ва ирода кучи билан уни босиб туриш бефойдалигини таъкидлайди. Бунга энг яхши йўл сифатида у билан муроса қилиш ва янада аникроғи унга “банан” таклиф қилиш оркали жиловлашга ҳаракат қилиш ёки “қафас”дан чиқармаслик каби чо-раларни кўллаш лозимлигини таъ-кидлайди. Масалан, айтайлик, мен компютерда беш дона хат ёзишим керак, лекин менга “Шимпанзе” бу ишимни тўхтатиб, қаҳва ичишим кераклигини таклиф қилмоқда. Уни қандай жиловлаш мумкин? С.Питерс у билан муроса қилиш ва кел биринчи шу хатларни ёзайлик кейин бемалол қаҳва ичамиз, деган таклифни айтади. Айнан шу йўл оркали “Шимпанзе” биз ишимизни тутагунга қадар тинчланиб туриши ва қайсиdir маънода тезроқ тутаги-шимиш учун мотивация бўлиб хиз-мат қилишини таъкидлайди. Бунга кўплаб мисолларни келтириш мум-кин, аммо ҳар бир ўкувчи ўзи түшунган ва англаган ҳолда ўзи учун тегишли мисолларни топгани ва му-лоҳаза қилгани фойдалироқ.

“Шимпанзе парадокси”дан чиқа-радиган бир қатор биз учун фойда-ли бўлган хulosalар бор. Булар би-ринчи навбатда биз яшаётган муҳит, ўзимизни устида доимий ишлаши-миз ва ҳаётий тажрибаларимизнинг бизда туғма мавжуд бўлган “Шим-панзе” ва “Инсон” инстинктларига доимий таъсири натижасида бизни шахс сифатида шакллантиради ва ривожлантириб боради.

“Шимпанзе парадокси”дан оли-надиган яна бир олтин қоида шун-даки, биз инсонларга ва қайсиdir вазиятга баҳо беришдан ва хulosalарни аниқлашда да-лиллар тўплаши ва ундан сўнгра хulosalарни чиқаришга сабаб бўлиши тўғрисида огоҳлантиради. Чунки, ақл идрок эгалари ҳисобланган ин-сонлар ҳар қандай ҳолда ҳам далиллар тўплаши ва ундан сўнгра хulosalарни чиқарса, шимпанzelар аввал хulosalарни чиқариб, ундан сўнгра ўз хulosalарининг тўғрилигини қўллаб кув-ватлашга эришиш учун далиллар кидиришади!

**Муроджон МУСТАФОЕВ,
Жаҳон иқтисодиёти ва
дипломатия университети
мустақил тадқиқотчиси**

БУЮК МУВОЗАНАТ

ёхуд тараққиёт фалсафаси ҳақида мулоҳазалар

(Боши 1 ва 5-саҳифаларда)


Бундай маҳсулотларни истеъмол килган инсонларнинг организми заифлашиб қолаётганидан ташқари, модификацияланган ген инсонларнинг руҳиятини ҳам ишдан чиқариши айтилмоқда. Инсон организмидаги табиий касалликларнинг симптомлари тезлиқда, нари борса кейинги авлодда намоён бўлиши мумкин. Аммо ГМО таъсирида аста-секинлик билан руҳиятда юз берәётган ўзгаришлар ўзини тезда намоён қилмаслиги онг ва тафакур билан боғлиқ ўта мураккаб оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу маънода, унутмаслигигимиз керакки, яратиш факат Яратгандагина хосдир. Унинг хоҳиш-иродасига қарши ўлароқ инсоннинг ҳар қандай яратиги ўрнини тўлдириб бўлмайдиган ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки инсон яратигининг аксариятида табиат қонунлари, ундаги олий даражадаги ўзаро мувозанатлар бузилади.

Жамиятнинг бугунги босқичи инсоният ақл-заковатининг айни пайтдаги чўққиси. Аммо бу ижтимоий аҳамиятга молик ҳодиса сифатида мунтазам ривожланиш жараёнида давом этади. Номукаммаллик натижасида инсоният ҳамжамияти борган сари янгидан-янги, кутилган ва кутилмаган муаммолар гирдобида қолиб бормоқда. Ер куррасида кузатилаётган глобал исиши жараёни, иклиминг ўзгариши, озон қатламининг емирилиши, экологик муаммолар, гиёҳвандлик, бедаво касалликлар, бир жинсли никоҳ, одам савдоси, ахборот хуружлари ва

“оммавий маданият” каби муаммолар инсоният ҳамжамиятиянинг табиат ва жамият қонунларига номувофиқ олиб борилган ишларининг оқибатларидир. Саноат, техника-технология ва умуман ишлаб чиқариш кейинги 200 йилда шу қадар жадал ривожланди, оқибатда олдини олиш мумкин бўлган жуда кўплаб муаммолар қаторида бартараф этиш учун инсониятнинг айни дамдаги ақл-у закоси ожиз бўлган экологик мухитнинг издан чиқиши ва ҳатто ер сайёрасидаги иклиминг ўзгариши билан боғлиқ ўта глобал муаммолар пайдо бўлди. Натижада, ишлаб чиқариш ва саноат ривожланган мегаполисларда ер куррасида бир пайтлар ундан кўпи бўлмаган табиий бойлик – тоза ҳаво ва соф экологик мухит масаласи ўта жиддий муаммо бўлиб улгурди.

Хунос...

Тараққиёт – бу адоксиз илгариланма ҳаракат, етиб бориб бўлмайдиган манзил, инсоният нигоҳи кўра олмайдиган нишондир. Инсоният ҳаёт уммонидаги тараққиёт кемасида муқаррар бўлган ҳалокатли манзил томон сузиб бораётганга ўхшайди, гўё. Хўш, тараққиёт натижасида инсоният тобора инқизор сари яқинлашиб бораётган экан, бунинг олдини олиш ёинки, ҳеч бўлмаганда, уни узоқлаштириш чоралари борми? Тасавур қилинг, ўлжасининг ярмини ютган ва қолган ярмини ютиши эса ҳалокатли, айни дамда ютган кисмини ҳам чиқарип ташлашнинг имкони



йўқ бўлган илон. Назаримда, инсоният ҳам тараққиётга интила-интила ҳозиги пайтда худди ўша илоннинг ҳолатига тушиб қолганга ўхшайди. Шу пайтгача эришилган тараққиёт ютуқларидан ҳам воз кечининг имкони йўқ, тараққиёт шу тарзда давом этаверса, унинг оқибати ҳам ҳалокатли. Шу ҳолатида илонга четдан ёрдам берилмаса у ҳалок бўлади. Инсониятга ҳам айни дамда ёрдам бера оладиган куч борми? Инсониятнинг айни дамдаги ҳолати, дарҳақиқат, жуда мураккаб. Бундай пайтда инсониятга ёрдам бера оладиган ягона куч агар мавжуд бўлса, у ҳам ўша тараққиётга асос бўлган унинг ақлу-закоси ва маънавияти бўла олиши мумкин. Аммо энди инсон ҳар қанча иқтисодий самарадор бўлмасин, аммо оқибати буюк мувозанатга салбий таъсири кўрсатиши билан боғлиқ ҳар қандай илм-фан ютуқларидан, лойихалардан воз кечиши, табиат қонунлари ва жамият қонунларини ўзаро мувозанатлаштириши, табиатга яқинлашиши ва у билан бир бутунлик ҳосил қилиши натижасидагина муқаррар ҳалокатдан холос бўлиши мумкин.

**Умид ХЎЖАМҚУЛОВ,
ЧДПУ профессори, педагогика
фналари доктори.**

БАДАНИНГ ДОРИГА ҚИЛМАСИН ИЛЛАТ

Организмнинг тириклигини белгилайдиган бирдан бир ҳодиса моддалар алмашинувири, у ташқи мухит таъсирига яхлит тизим сифатида жавоб бериб, мустақил яшаш ва ривожланиб кўпайиш қобилиятига эгадир. Киши танаси ташқи мухит билан моддаларни алмашуви тўхтаб қолса, организм ҳаёти сўнади, у ўлади.

Инсон танасига таъсири қилувчи сабаблар одам гавдасининг ҳолатларини ўзгартирувчи ёки ўзгартмаган ҳолда сақловчи сабаблардир. Улар ҳаво ва унга алоқадор нарсалар, овқатлар. Масалан, ўпка яллиғланганда юз ўта даражада кизаради. Ошқозон, ўйғон ичақда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Инсоннинг вазифаси тананинг табиий ҳолатини ўзгартирмаслигига, касал бўлмаслик, мабодо вазият юзага келганда ҳам тезда табиий ҳолатни тиклаб олишдан иборат. Баъзи касалликлар наслдан наслга кўчади. Касалликларнинг келиб чиқиши турлича бўлиб, уни синчиклаб текшириш зарур.

Бунда асосан қуйидаги етти нарса-га эътибор берилиши шарт:

– Мижозни мўътадил килиш;

- Ейиладиган ва ичиладиган нарсанни танлаш;
- Тўғри тузилишини сақлаш;
- Нафас оладиган ҳавони яхшилаш;
- Кийимни тоза ва яххисини кийиш;
- Жисмоний ва руҳий ҳаракатларни мўтадиллаштириш.

Шу ҳаракатлар жумласига маълум даражада уйку ва уйгоқлик ҳам киради. Киши сабр тоқатли, меҳнатсевар, одоб-ахлоқли, иродали бўлиши лозим. Ана шундай одамнинг асаби тинч, кучли, хотиржам бўлади. Бундай одамлар касалликка кам чалинадилар.

Биз юксак ривожланган технология асрида яшаяпмиз. Айни пайтда ақлими қанчалик илгарилаб бораётган бўлса-да, танамиз баъзидан кутилма-

ган дард кўзғатувчиларга химоясиз бўлиб келмоқда. Буни олимлар табиий имунитетнинг сусайганлиги билан изохлашмоқда. Шу боисдан ҳам бугунги кунда бутун дунёда одамлар ўзларини чинқтириб соғлом бўлиш чораларини кўришга интилмоқдалар, дардга чалинганда эса иммунитетни сусайтирадиган сунъий даъво воситаларидан иложи борича қочиб, табиий даъво воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Табиат, айниқса бизнинг серқуёш ўлкамиз инсонга бебаҳо хазина ато этган. Бу ўсимликлар дунёсидур. Табиатдаги ва ўсимликлар таркибидағи юзлаб биологик фаол моддалар инсон аъзоларига, мижозга кўра турлича таъсири ўтказади. Абу Али ибн Сино айтганидек, ўсимликнинг фойдали томонлари билан бирга, маълум даражада зарарли жиҳатлари ҳам бўлади. Билимсиз кишилар қўлида ҳар қандай дори оғудир, билимдонлар қўлида эса у ҳаёт абадийлигини таъминловчи шарбатdir.

Шукур ЭРГАШЕВ

Муассислар:

Ўзбекистон

Республикаси

Экология, атроф-
мухитни муҳофаза
қилиш ва иқлим
ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва
ишбилиармонлар

ҳаракати –

Ўзбекистон

Либерал-

демократик

партияси.

Ўзбекистон

Нодавлат нотижорат
ташкилотлари
миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон

Савдо-саноат
палатаси.

Бошмуҳаррир

Мақсад ЖОНИХОНОВ

“XXI ASR MEDIYA-
NASHRIYOT-MATVA
UYI” МЧЖ босмахонасида
чоп этилди.

Манзил: Тошкент шахри,
Мунис кўчаси 50 А уй.

Буюртма раками Г-34

Адади: 1700

Пайшанба куни чиқади.

Қоғоз бичими А-3,

ҳажми 2 босма табок.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон

матбуот ва ахборот

агентлигига

2006 йил 0010-ракам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Маълумот учун

телефонлар:

99-994-70-52

98-111-48-29

Реклама ва эълонлар учун:

Электрон почта:

jamiyat@mail.uz

Газета индекси – 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.

Топширилган вақти: 20:00

1 2 3 4 5 6



МИЛЛИЙ МУСИҚА КЕРАК

Аэропорт — бу ҳар бир юрт ҳақида илк таассуротлар берувчи жой ҳисобланади. Бу ерда сайёхлар ва йўловчилар учун қулай муҳит яратиш, маданият ва анъаналаримизини намойиш этиш жуда муҳим.

Бироқ, сўнгги йилларда аэропортларимизда ўзбекча миллий мусиқалар ўрнига, чет эл мусиқалари янграмоқда.

Халқимизнинг бой маданияти, мусиқаси ва тили бор. Ўзига хос


миллий мусиқаларимиз сайёхлар учун маданий-маърифий боғлашишларни яратади ҳамда мамлакатимизни янада яқинроқ танишга ёрдам беради. Бироқ, гўё чет эл мусиқалари, замонавий ва глобал

талабларга мос келишга ҳарарат қилиш билан, ўзбек мусиқасини ўсиб бораётган муҳитда ғойиб этмоқда. Бу ҳолат, ёш авлодни глобал мусиқаларга жалб қилиш орқали уларни доимий маданий таассурот олишдан маҳрум қилиши мумкин.

Ўзбек миллий мусиқаларининг аэропорт, метро бекатларида янграши нафақат сайёхлар учун мазмун-

ли тажриба бўлади, балки ютилизнинг маънавий юксалиши учун ҳам зарур. Қолаверса, бу келажак авлод учун ҳам муҳим масъулиятидир. Миллий мусиқа тақдим этилаётган хизматни яхшилайди, балки тарихий маданиятимизни асраш ва ривожлантиришга ҳам хизмат қиласи, деб ўйлайман.

Муҳаммад Али РЎЗИБАЕВ



С



СОХТА МЕХРИБОНЛАР

“Одамларда оқибат қолмади”, “Фалончи бунақа экан”, “Уйни, машинани ўзининг пулига олмагани аниқ”, “Сен ҳақингда шунақа деди”...

Орамизда ўзгаларни ёмонлаб, ўзининг “қимматли” маслаҳати билан жар ёқасига етаклайдиган, фитначи, ўзидан бошқани кўролмайдиган одамлар кўпайиб кетмоқда.

Бу ҳақда ёзишимга ўзим гувоҳи бўлган воқеа сабаб бўлди. Яқинда бир киши таҳририятимизга мурожаат билан келди.

— Ука, ён кўшним билан узок йилдан бўён битта жойда турамиз, — деб гап бошлади у. — Ўзи борйўғи такси ҳайдайди. Лекин яқинда данғиллама тўй килди, янги машина, уй сотиб олди. Рости, кўшним бунча нарсага бирданига эришганига ишонолмаяпман. Менимча, у қандайдир ишга аралашган ёки бойроқ одамнинг қимматроқ нарсанини ўмарган. Бўлмаса таксичилик қилиб бирданига бойиб кетиш қийин. Шуни бир ижтимоий тармоқка чиқарсан, тегишли ташкилотлар ўрганармиди дейманда. Фақат бу ҳақда мен шикоят қилганимни хеч ким билмасин. Маҳаллада гап-сўз кўпаяди.

— Ака, кўшнингиз билан келишмай қолганимисиз, адоватингиз борми?

— Йўқ.

— Сизга оғирлиги тушяптими ёки зиёни тегяптими?

— Йўқ.

— Гумон қиласиз, бирор ножӯя ишидан аниқ хабар топдингизми?

— Йўқ.

— Унда нега қўшнингиздан шикоят қиласиз?

— Ҳар эҳтимолга қарши текшириш керак деяпман, ука.

Мурожаатчининг гап-сўзи, хатти-ҳаракатидан мақсадини тушундим. Қўшнисини кўролмаяпти.

— Биз мурожаатни мурожаатчинг исм-фамилияси билан чиқарамиз, — дедим. Бордию бирор ташкилот ёки шахс ҳақида ёлғон маълумот берсангиз ёки тухмат қилсангиз, конунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиласиз. Жиноят, хукуқбузарлик ёки конунбузилиш ҳолатлари ҳақида хукуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат килишинингиз мумкин.

Мурожаатчи индамай хонамдан чиқиб кетди.

Гўёқи одамлар салбий томонга ўзгариб кетяпи-ю бу тоифадагиларнинг ўзи яхшилигича қолган. Фақат улар билағон, тўғри йўлда юради, бошқалар эса «эгри», хали унинг «даражаси»га етмаган. Бундай инсонларни жамиятда, жумладан, ҳар қандай жамоада, дўстлар, ҳамкаслар ва ҳатто яқинлар орасида ҳам учратиш мумкин. Уларни ёнимиздаги соҳта меҳрибонлар деб қўя колдим.

Орамизда яна бир тоифа одамлар борки, мансаб ёки амал тегдими дарров бурни осмонда бўллади. Албатта, бу табиий ҳол, амал инсонни ўзгаратиради дейишингиз мумкин. Бироқ бу одамларнинг устидан ку-

лиш, бошқаларни менсимаслик ёки улардан зўр эканлигини кўрсатиш керак, дегани эмас. Бу шуҳратпрастлик ҳам дейилади. Ҳар бир инсоннинг ўз йўли, қарашлари, характеристери бўлади. Динимизда мусулмон одам бошқа бир мусулмондан ўзини устун кўйиб, менсимаслиги, масхара қилиши, уни айриши, айниқса, камчилигини юзига солиши каттиқ қораланганди.

Бир тўйда узоқ йиллик танишимни учратиб қолдим. Юқорироқ ташкилотда иш бошлабдию одамгарчи-

ликни унугубиди. Бошқаларни оёқ учida кўрсатяпти, сухбатдошлари устидан қулиб, нуқул камситгани-камситган. Ҳа, яна ўзига ўхшаган бир-иккита кеккайган ошнаси ни ёнига олиб, гийбат қилишини, ён-атрофдагиларга ўзини «ақлли» кўрсатишини, қилган ишлари билан мақтанишини айтмаса ҳам бўлади. Ўзига бино кўйган ўша «ақлли»нинг хатти-ҳаракати, ўзини тутиши тўйда мен катори кўпчиликнинг кайфиятини бузди. «Ким бўлса ҳам, қаерда ишласа ҳам, аввало, ҳурматини билсин, бошқаларни ҳам ҳурмат қилишни ўргансин. Зўр бўлса, ўзига...», деб қизишиб, жағига мушт туширмокчи бўлганлар ҳам топилди. Аммо бунақаларга тенг бўлишнинг ўзи ахмоқлик.

Инсоннинг мол-дунё, обрў ва мансабга эга бўлгани яхши албатта. Аммо шунга яраша тарбияси ва хулқи ҳам гўзал бўлиши керак. Бу хусусда алгебра фанининг асосчиси, буюк бобомиз ал-Хоразмийнинг ажойиб тенгламаси бор. Агар инсон яхши хулқ соҳиби бўлса, у 1 га teng. Агар инсон хусн соҳиби бўлса, бирнинг ёнига нолни кўш = 10 бўлади. Агар инсон бой бўлса, яна бир нолни кўш = 100 бўлади. Агар насл-насабли бўлса, яна бир нолни кўш = 1000 бўлади. Агар 1 рақами, яъни хулқи йўқ бўлса, инсоннинг қиймати йўққа чиқиб, нолларнинг ўзи қолади = 000.

Хулоса шуки, «1»имизни йўқотиб қўймайлик, йўқса ҳамма қилгандаримиз «0» га тенг бўлиб, жамиятдаги ўрнимиз ҳам йўқолади.

Фазлиддин РЎЗИБОЕВ.

